



Mas'uliyati Cheklangan Jamiyati shaklidagi “DAVR” auditorlik tashkiloti

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан
11.06.2021 йилда Аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган.
СТИР: 200050179. ИФУТ: 69.20.2. Телефон: 8 (0-369) 227-05-84.
Х/Р: 20208000900208423001. ДАТ “Асакабанк” Наманган бўлими. МФО:00231.

**«Наманган Дори-Дармон» АЖ
раҳбарияти ва таъсисчиларига.**

«Наманган Дори-Дармон» АЖнинг 2022 йил молиявий ҳисоботларини аудит текширувидан ўтказилганлиги юзасидан МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Фикр билдирилиши.

Masuliyati Cheklangan Jamiyat shaklidagi “DAVR” auditorlik tashkiloti Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 июнда Аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган.

Бизлар, МЧЖ шаклидаги “DAVR” АТ билан «Наманган Дори-Дармон» АЖ ўртасида 2023 йил 03 апрель куни тузилган 1/41-сонли шартномага асосан «Наманган Дори-Дармон» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабрь ҳолатига бухгалтерия баланси, 2022 йил учун молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботи, ўз капитали тўғрисида ҳисботи ва пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботидан иборат молиявий ҳисоботини, шунингдек молиявий ҳисоботларга тушунтиришларни, ҳисоб сиёсатининг асосий қоидаларининг қисқача шарҳини қўшган ҳолда мажбурий тарзидаги аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, жамиятнинг илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда 2022 йил 31 декабрь ҳолатига акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати, молиявий натижалари, ўз капитали ва пул маблағларининг шу санада тугаган йилдаги ҳаракати тўғрисида Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига (БХМС) мувофиқ равишда ишончли тасаввур беради.

Фикр билдириш учун асослар.

Биз, Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз жамиятдан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ҳамда бошқа белгиланган мажбуриятларни бажарилишини ўргандик. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Жамият раҳбатиятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги.

Жамият Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ тузганлиги аниқланди. Жамият раҳбарияти ҳисоботларни ҳаққоний ва ишончли тақдим этиш, фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботларнинг аудити учун аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги.

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар ноҳолис ҳаракатлар ёки хато ёндашувлар оқибатидаги муҳим бузилишларни ўз ичига олмаганлигига оқилона ишончли қўлга киритишдан ва бизнинг фикримизни ўз ичига олган аудиторлик хулосасини ишлаб чиқишдан иборатдир. Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит муҳим бузиб кўрсатишлар мавжудлигида уларни ҳамма вақт очиб беришининг кафолати бўла олмайди. Бузиб кўрсатишлар ноҳолис ҳаракатлар ёки хато ёндашувлар натижаси бўлиши мумкин ва агар улар алоҳида ёки жамланган ҳолда фойдаланувчиларнинг шу молиявий ҳисоботлар асосида қабул қиладиган қарорларига таъсир этишлари мумкин деб асосли тахмин қилиш мумкин бўлса, муҳим деб ҳисобланадилар.

Молиявий ҳисоботларнинг аудити учун аудиторнинг масъулиятининг батафсилроқ баёни аудиторлик ташкилоти сайтида кўрсатилган. Бу баён аудиторлик хулосамизнинг бир қисмидир.

Аудиторлик ташкилоти номидан,

Аудиторлик ташкилоти раҳбари:

Аудитор малака сертификати № 05462.
Ўз.Р. Молия вазирлиги томонидан
2017 йил 14 январда берилган.



Аудитор:

А.Нурматов.

С.Хусайнов.

Сана: 2023 йил 08 май.